

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва ҳалқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. + № 169 (6. 060) + 1986 йил 24 июль, пайшанба + Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг 23 июлда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда республика Давлат бюджетининг 1986 йил биринчи ярмида бажарилиш асослари муҳокама қилинди. КПСС XXVII съезди қарорларини рўйга чиқариш борасида омманнинг таъаббускорлиги ва иқидий активлиги ўсганлиги натижасида саноат ишлаб чиқариш ҳамда йиллик пландаги 4,8 процент ўрнига 7,6 процент ошганлиги, қўшимча 269 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулотининг қўлгана энг муҳим турларини ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилиши, қўшма ҳўжаликнинг баъзи кўрсаткичлари яхшиланди. Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш сўратлари оширилганлиги аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашни таъминлаш имконини берди. Бюджетнинг даромад қисми 102,9 процент бажарилди.

Шу билан бирга Марказий Комитет Бюроси қайта кўришда сўсташлик қилмаган, қўлгана участкаларда жадаллаштиришни таъминламаётган министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг фаолиятини кескин танқид қилди. Лоқайлик ва хотирсизликни йўл қўйиб бўлмаганига таъкидланди. Бир қанча тармоқларда ўсиш сўратлари, меҳнат унумдорлиги иккинчи қаватда пасайиштириб юборилди, ишлаб чиқаришдаги маоромнинг бузилишига ва шўртмачиликка барҳам берилмади. Бир қанча корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини, фан-техника тараққиети уюқларини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда

га маҳсулот сифатини ошириш планларини мўнтазам сўратда бажармай келишларидан иборат яроқсиз практика қораланди.

Ишлаб чиқариш интизоми бўшастириб юборилганлиги сабабли капитал маблағни ўзлаштириш ва асосий фондларни ишга тушириш планлари барбод этилди. «Главлантентстрой» ва бошқа пудрат ташкилотлари 11746 ўқувчи мўлжалланган мактабларни, 4100 ўқувчи хунар-техника билим юрларини, бир қанча соғлиқни сақлаш муассасалари ва болалар болчаларини фойдаланишга топширмадилар.

Агросаноат комплекс тармоқларида резервлардан сўст фойдаланилмоқда. Чорвачиликка партиявий раҳбарлик бўшаштирилганлиги, жойларда шу тармоққа етарлиқ баҳо берилмаётганлиги сабабли ҳўжаликларнинг раҳбарлари сўт тайёрлаш планининг бажарилишини таъминламадилар, ем-хашак тайёрлаш ишлари қонқарсиз олиб борилмоқда. Қўлгана ҳўжаликларда пахта далаларидаги ишлар сўсайтириб юборилган. Пахтани меҳанизмлар ёрдамида териб олишга ҳовирлик қўрилмапти.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда амалга оширишнинг негизи сифатида 1986 йилги план ҳамда социалистик мажбуриятларини сўсиз бажаришдаги камчиликларни бартараф этиш ва фойдаланилмаган резервларни сафарбар қилиш борасидаги тадбирлар белгиланди. Экономикдаги иқидий тенденцияларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда республика партия, совет, ҳўжалик органларининг, ка-

саба союз ва комсомол ташкилотларининг конкрет вазифаларни белгиланди.

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида Тошкент область партия ташкилотиди меҳнаткашларнинг хатлари ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Қўлгана партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг иқидий комитетлари бу ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйишмаётганлиги, баъзида граждандларнинг мурожаатларига жазоки муносабабда бўлишмаётганлиги, уларни камдан-кам қабул қилишмаётганлиги, аҳолининг шикоятларини келтириб чиқараётган сабабларни оператив равишда аниқлашмаётганлиги ва уларга барҳам беришмаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Партия ва совет органларининг иш практикасида очик хат кўнларини, раҳбарларнинг меҳнаткашлар билан бевосита ишлаб чиқаришда, иқидийкомат жойларида уррачувларини ўтказиш камдан-кам бўлмоқда.

Тошкент область ва шаҳар партия комитетларида ҳамда бошқа баъзи партия комитетларида меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқариш борасида белгиланган мўдатлар бузилмоқда. Областининг бир қанча ташкилотлари ва муассасаларида келувчиларни ҳисобга олиш ва қабул қилишда тегишли тартиб ўрнатилмаган, берилган топшириқларнинг бажарилиш устидан назорат бўш. Граждандларни қабул қилиш кўнча масалаларни ҳал этиш учун етарли ваколати бўлмаган ходимларга топшириб қўйилмоқда.

Марказий Комитет Бюроси Тошкент область партия комитети зиммасига партия, совет, касаба союз ва ҳўжалик ташкилотларида

меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлашда тегишли тартиб ўрнатиш вазифасини топширди. Шу ишнинг аҳволи учун корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларига талабчанлик оширилсин, хатлар ва аризалар билан ишлашда белгиланган тартибни бузувчи, хат ва аризаларни кўриб чиқишга жазоки ва бюрократларча қарашга йўл қўйувчи мансабдор шахсларга нисбатан қаттиқ партиявий таъсир чоралари қўрилсин. Партия, совет, ҳўжалик ва жамоат ташкилотлари аппарати фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш учун хатлар оққали олинувчи информациядан тўлароқ фойдаланилсин.

КПСС Уставида кўзда тутилган ваколат мўдатлари ўтатилиш мўсабаби билан, шунингдек область партия комитетларининг тақлифларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида 1986 йилда республиканинг бошлангич партия ташкилотларида ҳисобот-сўйлов йиғилишларини ўтказиш чоралари белгиланганлиги, Партия гуруҳларини ва цех ташкилотларини ҳисобот-сўйлов йиғилишларини август — сентябрда, бошлангич ташкилотларда эса сентябрь — октябрда ўтказишга қарор қилинди.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошлангич партия ташкилотларига бўлуғуси ҳисобот-сўйлов кампаниясининг юксак тақилиш ва сисий даражада бўлишини таъминлаш тақилиф этилди. Партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг қарорларини бажаришга, партия Марказий Комитетининг Совет


Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини амалга оширишга, меҳнаткашларни 1986 йил ва ўн иккинчи беш йиллик планлари ва мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга коммунистларнинг асосий этибори қаратилмоғи зарур.

Ҳисобот ва сўйлов коммунистлар иқидий активлиги ва маъсулиятини юксалтиришга, қайта қуриш, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида партия таъсирини кучайтириш, голий тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг ҳал қилувчи шарти сифатида бошлангич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга кўмак бермоғи керак. Йиғилишлар танқид ва ўз-ўзини танқид, большевикчаги ошкоралик вазиятида ишчанлик билан ўтмоғи, коллективлар ҳаётининг етилган масалалари, олға ҳаракат қилишга тўғаноқ бўлувчи нарсаларни бартараф этиш йўллари муҳама қилинмоғи муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун республика социалистик мўсабабасини тақилиш этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорнинг баъни маъбулдат эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси партия ташкилотларининг ҳўжалик, ташкилотчилик ва сисий ишларига раҳбарликнинг бошқа баъзи масалаларини кўриб чиқди, шулар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Унинг касби оддий, Токарь. Корхонага ишга келганига анча йил бўлди. Бу йиллар давомида озмуноча машаққатли меҳнатлар, озмуноча яхши-ёмон кўнларини кўрмадики у. Шу давр мобайнида ўсди-ўлғайди. Касбига меҳр қўйди. Шотирлиқдан етук мутахассислик даражасига кўтарилди. Меҳнат уни элга таинтди. Корхонанинг машаққатли ишчисига айланди.

— Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасида социалистик мўсабабани авж олдиришга даъват этилган жумалар кўп. Ушбу сатрлардан руҳланган заводчи ишчилари шу кўнларда ўзaro социалистик мўсабабига актив қўшилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Мақсадимиз зиммага олган шахсий план-топшириқларимизни Улуғ Октябрьнинг 69 йиллиги ишонланганидан кўнча

адо этишдик, — дейди бизга Бўри Жўраев. «Ташэлектромаш» заводи шахримиздаги йирик корхоналардан бири. Унда кўпмеҳнат илгорлари ишлашади. Улар қаторида Бўри Жўраев ҳам бор. У корхонанинг кўлга кириш таъинган муваффақиятларига қўшеган кичик улуси билан ҳаммаша фарвланди.

— Ҳолда меҳнат кишига чинакам бахт келтиришни мен ўз таърибамда синаб кўрдим. Ўз касбимга меҳр қўйиб ишладим. Уни эъозлаб, ардоқладим. Шу тўғайлик оилам бўлди. Бахтлими топди. Илгорлар сафидан ўрин олдим, — деб ҳикоя қилади Бўри Жўраев.

СУРАТДА: КПСС аъзоси, пешқадам ишчи Бўри Жўраевни кўриб турибсиз.

Т. Керимов фотоси.

ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг 23 июль кўни Тошкентда бўлиб ўтган партия актив йиғилишида қўшинларнинг жанговар ва сисий тайёргарлиги даражасини янада оширишга, жанговар шайлини мустаҳкамлашга оид ишларни такомиллаштириш

масалалари муҳама қилинди.

Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Н. И. Попов «КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми ақуллари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан командирлар, сисий

органлар, партия ташкилотларининг вазифалари» маъзуида доклад қилди.

Партия актив йиғилиши ишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмоҳжўнаев иштирок этиди.

(ЎЗТАГ).

Фан: изланишлар ва кашфиётлар

БИР НЕЧА МИНУТДА АНАЛИЗ ТАЙЁР

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкент вақцина ва зардоб илмий-таъдиқот институтиди яратилган вирусли гепатитга диагностика қўйиш методи касаллиқни энг эрта ривожланиш босқичида аниқ-

лашга ёрдам беради. У қиммат турадиган махсус приборлар ва аппаратларни талаб қилмайди. Ҳар қандай фельдшерлик ва акушерлик пунктида нарис билан 30 минут ичиде тезда анализ

қилиш мумкин бўлади. Ҳозир институт олимлари энг кўп тарқалган касаллиқни вирусли гепатит «А»ни даволайдиган самарали препарат яратиш устида ишламоқдалар. (ЎЗТАГ муҳбири).

АЙЛАНМА СУВ ТАЪМИНОТИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтининг олимлари Қарғанда металлургия заводига саноат оқини сувини тозалаш проблемасини ҳал этишда ёрдам бердилар. Улар аралашмаларни чуқти-

рувчи арзон ва гоъта самарали препарат яратдилар. — Сувда яхши эрийдиган юқори молекуляр бирикмаларни препаратга негиз қилиб олди, — дейди химия фанлари кандидати С. А. Зайнутдинов.

Препаратни тайёрлаш учун «Неомозот» ишлаб чиқариш бирикмасининг чиқиларидан фойдаланилади. Сувнинг булғаниш даражаси ва тусига қараб бир куб метрга 5 граммдан 15 граммгача препарат керак бўлади.

ХЛОРЕЛЛА—ВИЛТНИНГ КУШАНДАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг олимлари вилтлар қарши янги имкониятларини очдилар. Улар хлорелла

суппензияси вилт касаллигини уйлғайтирмаслигини аниқладилар. Ўтказилган тақриблар чигитига майда сув кўкатлари билан ишлов берилган гўзада

вилт замбуруғи илдиздан нари кўтарилишаслигини кўрсатди. Чўки, хлорелла ўсимлик ҳўжайраларининг муҳофазаланиш хоссасини кучайтиради.

СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТДА ОИЛА

Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат бонди ўтказилган район меҳнаткашларининг дам олиш кечаси «Мен яшайотган район» деб аталади. Бу маросим программасидан ўрин олган барча тадбирлар оилани улуғлашга бағишланган эди. Оиланинг ҳаёти ўзига хос бир олам. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съезиди Сисий доклады таъкидлаб ўтилганидан, оилани мустаҳкамлаш проблемалари жамоатчиликнинг эътиборини жалб этмоқда. Бизнинг янги, социалистик оилани улуғлаш келтириш борасидаги ютуқларимиз шакл-шўбасиздир.

Оила кўриб бахт-саодатга сазовор бўлган кишилар шарафига ўтказилган байрамда музика, қўшиқлар, самимий қалб сўзлари янгради. Шу кўни пенсонерлар Ҳалима опа ва Алиқон Йўлчиевлар табарук ёшга етиб, эл ҳўрматига сазовор бўлдилар. Уларни кўмуш тўйлари билан фарзандлари ва набиралари, қариндош-уруғлари ва оддий кишилар муборакбод этидилар. Бундан ташқари кўмуш тўй ағзалари — 5-автомобиль парки ҳайдовчиси Бақодир Абдукаримов ва унинг умир йўлдоши, 407-болалар болчаси тарбиячиси Фарида Самкулова ҳам табрик ва ҳўрматларга сазовор бўлдилар.

Кўп имиллати катта советлар оиласи етмиш ёшга тўлаган даврда ишчилардан Алексей ва Ольга Қўлиқовлар турмуш кўриб никоҳдан тантанали ўтдилар. Бу байрамда баловат ёшга етганларга граждандлик паспортлари тантанали топширилди ва қатор қизқарлик маросимлар ўтказилди.

Умри боқий дўстлик

Афғон болалари ўзбек диёрида

Ез гўзал табияти, иссиқ ҳавоси, зилол суви билан айниқса болаларга бир олам қўнуч бехи элади. Қўшн ва дўст мамлакат — Афғонистон Демократик Республикаси мактабларининг ўқувчилари аёги дам олишни ўзбек тенгдошлари даврасида ўтказадиган бўлишди.

Афғон пионер ўғил ва қизлари тушган автобуслар қолонеси Тошкент кўчаларидан ўтиб Бўстонлик райониди «Гулистон», «Спутник», «Дороний», «Феруза», Островский, Тўленов номидаги лерларга йўл олди. Тошкент область касаба

союзлари Совети ва пионер ташкилотлари афғон болаларининг яраб дам олиш учун берча шайитини яратиб беришди ва турли қизқарлик тадбирлар ташкил этишди. Афғон болалари турли уррачушларда ўзбек адиллари, санъаткорлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранларининг ҳикояларини тинглайдилар.

Меҳмон болалар дам олиш даврида Тошкент шаҳрининг тарихий-революцион жойларини, диққатга сазовор маканларини бориб кўрадилар.

КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь

Пленуми қарорлари — ҳаётга!

КАЙТА КЎРИШ-ДАВР ТАЛАБИ

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИНИ ОШИРАЙЛИК

ФРУНЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИГИЛИШИДАН

Кейинги вақтда бошлангич партия ташкилотларига аппарат ходимларининг бир кўндан чиқиб келиши Фрунзе район партия комитетининг иш практикасида мустаҳкам ўрин олди. «Кабинет» иш усули орта қолиб борапти. Ишнинг янги формаси бошлангич партия ташкилотларига тез амалий ёрдам бериш, жойлардаги ишнинг аҳолини чуқурроқ ўрганиш имконини бермоқда. Комплекс текширишлар, коммунистлар билан сўхбатлар, ишчилар, мутахассислар, корхона раҳбарлари билан учрашувлар «Таштекстильмаш» заводи, тўқимачилик ва абразив комбинатлари, «Промстройкомплект» бирлашмаси, «Цетметэлектропроект» институт ва бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда бўлиб ўтди, бу шуни кўрсатдики, районнинг кўпчилиги меҳнатчилари қайта қуриш моҳиятини тушуниб етмоқдалар ва уни амалга ошира бошладилар. Қўлгана масалалар оператив ҳал этилганлиги бўлиб қолди. Бироқ, шуни ҳам лайқамли мумкин эмаски, деб таъкидлади Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева район партия актив йиғилишидаги сўзда, бошлангич партия ташкилотлари ва қолаверса район партия комитети ишда қайта қуриш ҳали сўст борапти. Район пар-

тия комитетининг бўлимлари, партия ташкилотларининг секретарлари ҳали имиллашдан нарита ўтолмаптилар. Топширилган участкада ишларни такомиллаштириш йўлида тақид қадамлар қўйиш ўрнига, қўлдан-қўл гапириб шў маҳлиб бўлимоқдалар, ҳозирги давр улар зиммасига қўйган маъсулиятни тўлалигича ҳис етмаётдилар.

«Таштекстильмаш» заводи, «Промстройкомплект» бирлашмаси, 1-поябзал фабрикасининг раҳбарлари ва партия ташкилотининг секретарлари ескача билим билан ҳеч бир янгилик, таъаббус ҳисоси, аввал қандай бўлса, шундай ишламоқдалар. Масалан, «Таштекстильмаш» заводида коммунистлар билан сўхбатлашсангиз янги директор келгани ва партия ташкилотининг янги секретари сайлангани билан барибир ҳеч қандай сезилари бир ўзгариш бўлмаганлигини тушуниб етасиз. Аввалгидек бу ерда хотиржамлик, ҳайбаракалачилик, ҳўжасизлик ҳўжм сўр-япти. «Гидропроект» институт, «Энергосетьпроект» иш-урта Осиё бўлими, «Химчистка» фабрикасида ҳам аҳвол худди шундай. Бу эса кадрларни танлаш ва тарбиялаш соҳасида район партия комитети ишдаги салбий жиҳатдир.

Ташкилотчилик ишлари-

даги айрим нуқсонлар, партия ташкилотларининг секретарларига район партия комитети етарлиқ талабчанлик кўрсатмаётгани оқибатда биричун ярим йилликда 21 та корхонадан 7 таси шартнома бўйича маҳсулотлар етказиб бериш топширигини белгиланган мўдатда бажара олмади. Район «Н» индекси билан сифатининг олий категориясиди буюмлар ишлаб чиқариш планини ва бошқа бир қатор кўрсаткичларни бажармади. Кенг истеъмол моллари район ишлаб чиқариш программасининг 70 процентини тақилиб элади, уни ишлаб чиқариш ўсганига қарамай, икки миллион сўмликдан зиёд кенг истеъмол моллари реализация қилинмай қолди. Биричун кварталга таққослаганда олти ойда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш сўратлари ошмиш у ёқда турсин, балки пасайиб кетди.

Бу ва бошқа фактлар таъбишга солмаслиги мумкин эмас. Қўлгана коллективларнинг бўш ишлаётганини ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмайдилар. Йиғилиш қатнашчилари ана шу ҳақда гапирди. Бутунги кунда долзарб ва муҳим муаммоларни ҳал этишдан ўзини олиб қочаётган, қайта қуриш тўғрисида қуруқ гап-сўз билан қийофланаётган ҳар бир кишидан қаттиқ туриб талаб

этмоқ керак.

Ишлаб чиқаришни йўлга қўй билмаслик нималарга олиб келади? Фактларга мурожаат қиламиз. Районда дастдоҳларнинг смена коэффициентини бор-йўғи 1,2 ни тақилиб эди. Фақат олтинга корхонага икки сменада ишлапти. Районда эса салкам 8 минг нафар ҳали ишга жалб этилмаган кишилар бор. Еки сифат масаласини олиб қўрайлик. Брак учун жазолаш ҳаммаша ҳам таъсирчан эмас. Брак тўғайли 330 минг сўм йўқотилган ҳолда бор-йўғи 15 минг сўм ундириб олинган, холос. Биричун ярим йилликда 1-поябзал фабрикасида 1,5 миллион сўмлик, тўқимачилик комбинатиди 500 минг сўмликдан зиёд, «Промстройкомплект» бирлашмасида 250 минг сўмлик маҳсулот қайтариб юборилганига ким жавоб беради? Район корхоналарида эскирган ва алмаштирилиши зарур бўлган дастдоҳлар мўл бўлгани ҳўлдан бир ярим миллион сўмлик, шу шумладан 462 минг сўмлик чет эл дастдоҳлари ўрнатилмаётганига ким жавоб беради?

Йиғилишда нуқсонлар тўғрисида кўп гапирилди. Ўйлаймики, бу аввалгидек қуруқ гап-сўзлар бўлиб қолмайди, балки амалга ошади. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида қайта

қуришга ҳалақит бераётган нарсалардан биричун навбатда эса қоқайликдан ҳар бир киши ўз ишда қатъиян воз кечиши таъкидланган эди.

Қайта қуриш — мураккаб жараён. Ҳозир кутиб ўтиришга вақт йўқ. Чўқуру тақилиб этиш, тадбирлар ишлаб чиқиш, такомиллаштириш йўллари белгилан олиш лозим. Буларнинг ҳаммасини кечиктирмасдан, ҳозирдаёқ қилиш керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бунга қандай қўлмоқ керак. Тайёр ва конкент «рецептлар» йўғи. Иқидий талаблар, партия комитетларининг асоси, балки министрликларнинг ҳам ўз идоралари ва ташкилотлари иш учун маъсулиятини ошириш, ескача қарашлар, одалар, иш услуби ва меҳнатлардан қатъиян воз кечиш лозим. Биричун гада КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини амалга оширишда олдинги сафдо боришга, намуна бўлишга даъват этилган раҳбарларга, коммунистларга алоҳида талабчанлик кўрсатиш, улардан қаттиқ туриб талаб этиш керак.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари В. Ф. Сатин нутқ сўзлади.

С. ЛН.

Партия активи

ЙИГИЛИШИ

Киров район партия актив йиғилишининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми ақуллари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларини муҳама қилдилар. Район партия комитетининг иккинчи секретари А. М. Сергеев доклад қилди.

Район партия комитетларининг пленумлари

Ўзбекистон Компартияси Чилонзор ва Сергели районлари партия комитетларининг пленумлари бўлиб ўтди.

Чилонзор район партия комитети пленумининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми ақуллари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларини муҳама қилдилар. Район партия комитетининг биринчи секретари В. В. Ефремов доклад қилди. КПСС XXVII


съезди қарорларини бажариш бўйича Чилонзор район партия комитетининг ташкилий-сисий тадбирлар плани тўғрисидаги, XII район партия конференциясида бидилрилган таъкидий мўлоҳазалар ва тақлифлар бажарилишининг бориши ҳақидаги, Тошкент шаҳар партия комитетининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида КПСС сафига қадаш қилиш ва ёш коммунистларни тарбиялаш бўйича Чилонзор район партия комитетининг иш тўғрисида»

да»ги қарор бажарилишининг бориши ҳақидаги масалалар муҳама этилди. Сергели район партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми ақуллари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари кўриб чиқилди. Район партия комитетининг биринчи секретари Г. Л. Зарубин доклад қилди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришни таъмин-

лаш бўйича район партия комитетининг асосий тадбирлар планини ва КПСС XXVII съезди талаблари асосида партияга қабул қилиш ва ёш коммунистларни тарбиялаш бўйича район партия комитетининг иш тўғрисидаги масалалар қилдилар. Пленумларда — Чилонзор райониди шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова, Сергели районида — шаҳар партия комитетининг секретари

Республикаимизнинг бош кўргазмасида

Жадаллаштириш йўлидан



СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида меҳнатчиларнинг янада юксак унвон билан ишлашлари учун зарур бўлган қўлай шарт-шароитларни яратиш, қўл меҳнатини, қам малакали ва оғир жисмоний меҳнатини қисқартириш, меҳнатини муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини анча яхшилаш, шулар туфайли эса ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида меҳнат унвондорлигини кескин оширишга эришиш кўзда тутилган.

МАШИНАЛАР КЎМАКДА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Самаркандгеология» геологик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, республикада хизмат кўрсатган геолог Владимир Анастольевич Леменовскийга компьютердан хат келди. Электрон ҳисоблаш машинаси (ЭХМ) малака ошириш курсларига борадиган ходимларнинг тайёргарлигини назорат қилиш пайти келганлигидан бош директорга хабар берди. Бирлашманинг ҳисоблаш маркази барча фармойиш-ҳужжатларнинг бажарилишини назорат этишни ўз зиммасига олди. Мутахассислар ҳафтада икки марта маълумот хати олади, унда яқин орада нима ишлар қилиш лозимлиги кўрсатилган бўлади. Ишларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар яна ЭХМга киритилади, компьютер эса инженернинг ишини 5 балли система билан баҳолайди.

— Бу ҳол ҳар хил лавозимдаги раҳбарларнинг масъулиятини оширади, — дейди ҳисоблаш марказининг бошчилиги Ивон Жегарловский. — энди ҳеч ким икки баҳо олаётгани йўқ, ҳолис назорат ўз кучини кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг жануби-ғарбидagi экспедициялардан келтирилган намуналарнинг анализи натижалари лабораториядан тулпа-тўғри машина хотирасига келиб тушади. Зарур вақтда эса ана шу маълумотларни сўраб олиш мумкин. Натижада ортиқча қўғозбозликка барҳам берилади, ҳаттоликларга йўл қўйишнинг олди олинади.

ҒИШТНИ АВТОМАТ ЖОЙЛАШТИРАДИ

Саноатда ғишт ишлаб чиқариш қурилиш материаллари корхоналари системада ҳамон оғир қўл меҳнати ишлатилган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Ғишларни ўзи жойлаштирувчи автоматлар ғишт заводлари ишчилари меҳнатини бир мунча енгиллаштиради. Ана шундай автоматлардан ҳар бирининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши бир сменада 6 кишини бошқа ишларга ажратиш имконини беради.

Агар ғишт ишлаб чиқаришда тоннель типидagi янги печлардан фойдаланишга ўтилса, бошқа участкаларга яна 42 ишчини ўтказиш мумкин бўлади. Тоннель типидagi печлар йилга 21 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

Ўн иккинчи беш йилликда тармоқ миқёсида ғишларни жойлаштиришдан 15 та автоматли тоннель типидagi 6 та юксак умумий печларга ўрнатилган ишлатиш кўзда тутилмоқда. Бу автоматлар Тошкент, Янгийўл, Навоий, Самарқанд ғишт заводларида синовдан ўтказилди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Локомотивнинг ёки поезд составининг тормоз йўлини ўлчовчи янги асбоб билан таъинланган темирйўлчилар унинг ихтиролари адресига ҳозирдаёқ раҳматлар айламоқда. Бу мослама темир йўл транспортнинг барча турларида фойдаланишга мўлжаллангандир. Мослама ўлчов аниқлигини максимал даражада оширади. У их-

Бу соҳада геологияда, қурилишда, пахтачиликда, қорачиликда, транспортда ва саноатда, бошқа турли соҳаларда қандай тадбирлар белгиланаётгани ҳақида Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасида очилган тармоқларга кўргазма-кўрик экспонатлари батафсил ҳикоя қилади. Кўргазма-кўрикда 50 дан ортиқ министрлик, идора, корхона ва ташкилотлар қатнашмоқда. Кўргазма-кўрикка қарийб 200 ортиқ экспонат ва стендлар тақдим этилган.

чам бўлиб, осон олиб юрилади, ўзининг ўзгармас ток, электр манбаига эга. Локомотив машинисти кабинасидан чиқмасдан туриб, мослама ёрдамида тормоз йўлини ўлчаб олиш мумкин.

Бир группа мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган бу мослама ҳаракат ва йўл ишлари хавфсизлигини таъминлайди, поезд составларининг бекор туриб қолишига чек қўяди.

Темир йўл ишларини унинг тағдидаги ёғоч «ёстиқ»ларга маҳкамловчи темир қозиларни қоқиш ва уларни суғуриб олишда қўлланиладиган янги мосламадан фойдаланиш туфайли 4,4 минг сўмлик иқтисодий самара қўриш мумкин. Бу мосламани инженер А. Бубнов яратган. У ер усти ва ер ости, шунингдек, шахталардаги транспортнинг барча участкаларида фойдаланилиши мумкин.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Пунктларга пахтани топширишда қатъий ҳисобга олинadиган кўрсаткичлардан бири унинг намлилигидир. Пахта намлиги юқори бўлган кезларда у тайёрлов пунктларидан ҳўжаликларга қайтарилади, ҳом ашёни қуриш учун йўллар банд қилинади, қуриш ишларида хас-хашак аралашуви сабабли сортлари (навлари) бузилади.

Ҳозирга қадар пахтанинг намлигини аниқлаш бир талай ноаниқликларга эга эди. Ниҳоят «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида пахтанинг юксак юқори частотали намлик ўлчовчиси яратилди. У намуна сифатида олинган пахта тодаларида юксак юқори частотали тўлқинларнинг сўниб боришини ўлчаш принципи асосида ишлайди. Намлик ўлчовчи меҳнат унвондорлигини кескин оширади, ўлчовнинг катта аниқлигида бўлишини таъминлайди, лаборантлар меҳнат шароитини яхшилади.

ПНЕВМАТИК ТРАНСПОРТ

Тошкентдаги «Компрессор» заводда тайёрланган ва сочилувчи юқлари автоматик тарзда саралашда ишлатиладиган роторли компрессорга бўлган талаб ва эҳтиёжлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу агрегат дон комбинатларида унни ёпиқ пневматик усулда ташинди, цемент, доридармон тайёрлаш саноатида ва бошқа тармоқларда кенг қўлланилиши мумкин. Янги компрессор бир қатор афзалликларга эга бўлганлиги учун ҳам уни мўъжиза дейишмоқда. У мутлақо соф ҳаво ишлаб чиқаради, теварак атрофини мой билан ифлослантормайди. Одамлар иштинроқисиз ишлаб чиқариш технологиясини амалга ошириш имконини беради. Пневматик усулда маҳсулотлар ва ҳом ашё ташиниладиган трубопроводларни тўлқин метрик ҳолатга келтириш янги системанинг фойдали иш коэффициентини кескин оширади. Айни пайтда сочилувчи материалларни ташиниш автоматлаштириш жараёни ишлаб чиқариш бинолари ва атроф-муҳитни ифлослантормайди, экологик яхлатдан ҳам тоза ва хавфсиздир.

Бу пневматик транспорт Тошкент ва бошқа шахарлардаги ун заводларида қўлланила бошлади.

К. МУСАМУРОВО,
Ю. РОМАНОВ.



ОИЛА ДАВРАСИДА СУХБАТЛАР

- ♦ Янгича анъаналар ҳаёт кўрки
- ♦ Уй-рўзгор юмушлари
- ♦ Инсон-табиат фарзанди
- ♦ Шеърят гулшани

Мўъжизали олам

ШАМОЛ—ҲАЙКАЛТАРОШ

Шамоллар асосан икки вазифани бажаради. Биринчидан, саҳрода қўмларни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб, кўчманчи қўм тўдаларини, сузиб юрувчи тепаларини ҳосил қилса, иккинчидан, ер юзиде кезиб юрган вақтларида йўлларда учраган тўсиқларга урилиб, ғалати шакллар ҳосил қилади. Бундай шаклларнинг вуқудга келишида тошларда илгарти ҳосил бўлган ёриқлар кўпроқ сабаб бўлади.

Табиқатдаги ер қиёфасини ўзгаришувчи кучлар ичиде фақат шамолларгина ердаги қаттиқ ва юмшоқ жинсларни бир-биридан тез ва яхши ажратиб олади. Шамоллар секин эсганда майда тош бўлақларини икки-уч метр баландга кўтара олмайдилар. Шамоллар тоғ жинсларини учираб экан, дарҳол уларни саралайди. Чанглари енгил бўлганликларини учун баландга кўтарилиб, узоқларга учиб кетади. Улардан ажралиб қолган майда тош бўлақчалари эса ўз йўллариде учраган тўсиқларнинг пастки қисмини кўп емиради, тўсиқнинг юқориги қисми эса жуда кам емирилади, баъзан деярли ўз ҳо-

лиқа қолади. Шунинг натижасида тошлар кўзиқоринга ўхшаш, пастки қисми илгичка, юқориги қисми йўғон кўринишга эга бўлиб қоладилар.

Бундай «тош кўзиқоринларини табиқатда жуда кўп учратиш мумкин. Баъзан ҳатто телеграф ёғочларининг пастки қисми ҳам ана шу жараёндан таъсирда келтирилган бўлади. Кўпилик саҳроларининг устки қисми қўм билан қопланмай, уларнинг пастки қисмида лой ва бошқа жинслардан тузилган жойлар кўп бўлади. Бу жойларни шамоллар ўйиб, бир-бирига қўшган ҳолда ҳар хил сийдага чуқурчалар ҳосил қилади. Шамол доимо бир томонга қараб эсса, бундай чуқурчалар кўп ҳосил бўлади. Бу чуқурчаларни ажратиб турувчи деворларнинг баландлиги турлича бўлиб, узоқдан кўзиде ганде ҳар хил нарсаларнинг, айниқса ҳайвонларнинг кўринишини беради.

И. ОТАЖОНОВ,
СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

Одамлар, одатлар

АСАЛ ОЙИДА

Иорданияда эндигина ўз турмушларини никоҳ аҳди билан боғлаб, тўй базминини нишонлаган келин-куёвлар асал ойини мароқли ўтказиш учун қон-қариндошлардан узоқроқ дам олиш зоналарига ёни туристик саёҳатларга йўл оладилар. Кўнглили саёҳат тугатгандан сўнг уйларига қайтаётган келин-куёвларни уларнинг барча яқин кишилари тантанали равишда беҳисоб хушбўй гуллар билан қарши оладилар.

Бейтхейр инсонда ҳавас туйғусини уйғотувчи бу ҳол мамлакат ёшлари ўртасида тарихий анъанага айланиб қолган.

УВАЛИ—ЖУВАЛИ

БЎЛИШ

Иорданияда янги турмуш кураётган ёш-келин куёвларга уларнинг ота-оналари, қариялар кўп фарзанд кўришни маслаҳат беришди, бу энг яхши тилак сифатида айтилади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, Иордания аҳолисининг ярмини болалар ташкил этади. Ҳақиқатан ҳам араблар оиласида фарзанднинг дунёга келиши—катта байрам, қолаверса энг қувончли аёмдир. Агарда «янги меҳмон» ўғил бўлса, нур устига аёло нур дейверинг.

В. ГИЕСОВ
тайёрлаган.

Билиб қўйган

ЯХШИ

ХАТ—КЎНГИЛ ДАФТАРИ

● Дўст-биродарларингизга хатини қора ёки кўк сийё билан ёзиш. Яшил, қизил рангдаги сийёдан фойдаланма.

● Хатини оқ ёки ранги очик қоғозга ёзган яхши.

● Хат ёзилган кунини қоғознинг юқорисидан ўнг томонга қўйинг.

● Қоғознинг чап томонидан бир оз йўл (очик жой) қолдиришни унутманг. Агар варақ тўлса, очик жойларга ёзиб ташламай янги варақ олинг.

● Хат ёрқин, ўқий оладиган бўлсин, ҳар хил тўзатишлар киритманг, чунки хат ўқийдиган одам тушунонлай қийналиши мумкин.

● Нуқта ва вергул белгилари аниқ қўйиб ёзилган хат ўқини оsonлаштиради. Илоҳ ҳато қилмасликка эътибор беринг, тушунонлай қийин сўзларни ишлатманг, бирон сўзнинг ёзилишини билмасангиз пулутга қараб аниқлаб олинг.

● Хат ихчам, оддий, самимий бўлиши, унда ҳар хил сўроқ, ундов аломатлари кўп бўлмаслиги керак. Энг муҳими, хат—қўнғил дафтарини эканини, у узоқ вақт сакланиб, эсдалик бўлиб туришини унутманг.

КИМГА МАЗА

Ялангоёқ Шамолжон Булут тоғора кўлда. Йўл олди суваб қолган Олис саҳро-ю кўла. Энди етай деганда, Опиб сўнгги ўр-қирдан, Эх, кўрғилик эканда, Қоқилиб кетди бирдан. Идишдаги ҳамма сув,

● КЕЧИРИМ СЎРАШ

— Жин урсин сени, ялмоғиз кампир! — дилден чиқариб юрагини «енгиллаштирди» тоғ меҳмонхонаси хизматчиси, «чангимини ёмон мойлаб-сана» деб кўп бор шикоят қилган айёга қарата.

Аёл меҳмонхона мудирига шикоят қилган эди, у хизматчиға ба аёлдан узар сўрешин буюрди.

— Ҳалиги мен «жин урсин» деган аёл шу ердами, — баланд овозда сўради ресторандаги кира турли хизматчи. Жаҳлидан бўзарган аёл сатчиб ўрнидан туриб чиқиб кетди. Хизматчи унга эшиттириб деди: «Шуни маълум қилманки, энди сизни жин урмайди».

● САМОЛЕТДАН САҚРАШ

Парашютчилар группаси сақраш маъшулотини ўтказишди. Инструктор бўш қолган самолётини кўздан кечира

Бувижон, ўқиб беринг

Ботқоққа тўкилди дув. Шу ерлик Қўрақалар, Қўвончдан вақ-вақалар. Омад бундай бўпти деб Сақрашиб во-хо-холар.

КИМ ШИРИН?

Тортишар жуфт қудунай, Тинмай бир-бири билан. — Мен ширинмай! — Жим бўл, ҳай,

Сен эмас, мен ширинмай! Аралашди Суқатой: — Бизлар учов журамиз. Фурсатини қўлдан бермай Ҳозир синаб кўрамиз. Шундай деб икковини тез Бир ҳамлада еб қўйдим. Сўнг: — Ҳа, ширин экансиз экансиз қўйдим. — Ҳамма ИМОНБЕРДИЕВ.

Келинг, бир кулишайлик

туриб, ўриндиқдаги ёлғиз нусхага қўйи тушди.

— Неге бу ердасан, Сэм? — сўради инструктор. — Сен биринчи бўлиб сақраган эдингми?

— Ҳа, тақсир, бироқ парашютим очилиб қолган, тез қайтишни лозим кўрдим.

● БОЙИШ ЙУЗИДА

Журналист миллиондердан интервью олди:

— Муваффақиятларингиз сабаби нимаде?

— Пулнинг ролига эмас, меҳнатнинг ролига ортиқ баҳо берганимда.

— Ва сиз... шу маслак билан бойиб кетдингизми?

— Йўқ, қачон бу маслакни ўз қарамонимдагиларга сингдире билганимдагина бойиб бошладим.

● ЧАМАДОНДАГИ БОЙЛИК

Икки шотланд аёл суҳбат қиларди:

— Сени эринг бойми?

— Уйлашимча, у юртимизда энг қашшоқ одавлардан: кеча унинг қоғоз соладиган чамадонини очиб кўриб, 4 донагина куя топдим.

● ВРАЧ ҲУЗУРИДА

— Доктор, — психиатрга мурожаат қилди хоним, — меннинг эрим сен холодильниксан деб даъво қилаётти.

— Ҳаяжонланмиг хоним, — тинчлантирди шифокор, — бундай бешорат безарер...

— Безарер дейсизми? Ахир тун бўйи оғзи очик, чироғи ёниқ ётади, бу аҳволда мен қандай ухлай оламан?

Русчадан
Н. ОЧИЛОВА
таржимаси.



К. ҚОСИМОВА: Уй ишлари билан банд бўлиб бир корхонада ишлаб олмадим. Яқинда туртинчи фарзандим дунёга келди. Айтингчи, менга ўхшаш оналарга бир йўла бериладиган нафақа пули тўланмаган бўлса ҳам 12 сўмлик нафақа пулини олиш имтиёзидан фойдаланамини?

Жавоб: Болали аёлларга бир йўла бериладиган нафақа 1983 йилнинг 1 ноябидан эътиборан амалга оширила бошланди. Бундай нафақа ишлаётган аёллар учун 30 сўм миқдорда бир йўла боланинг отаси ишлатган жойдан берилади.

Бола бир ёшга тўлгунча ҳар ойда бериладиган нафақа тайинланиши учун ишлатган аёл бир йиллик умумий иш стажига эга бўлиши керак.

Ҳар болага 12 сўмдан бериладиган нафақа онланинг ҳар бир аъзосига умумий даромад ойига 50 сўмдан ошмаган тақдирдагина тайинланади.

Сизнинг оила шароитингиз кўрсатилган шартларга жавоб берса, болаларнинг 8 ёшга тўлгунинга қадар ҳар бир болага 12 сўмдан олиш ҳуқуқидан фойдаланасиз.

Б. ЖАМОЛОВ: Ҳозир мен турар жойимга яқин жойлашган комбинатга ишга кирмоқчиман. Кадрлар бўлими мендан меҳнат дафтарасидан ташқари турар жойдан сиривка, характеристика каби ҳужжатлар талаб қилапти. Аммо аввалги иш жойларимда бундай ҳужжатлар талаб қилинмаган эди. Ишга қираётган киши қандай ҳужжатларни кадрлар бўлимига топшириши кераклиги ҳақида батафсилроқ билмоқчи эдим.

Жавоб: Ўзбекистон ССР меҳнат қонунлари Кодексининг 24-моддасига биноан корхона, муассаса, ташкилот ишга қабул қилаётганда ишга қираётган шахслардан паспорт тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, паспорт ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжат кўрсатишини, ўн беш ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслардан эса тугилиш тўғрисидаги ҳужжат кўрсатишини, меҳнат дафтарасини ишга биринчи марта қираётган шахслардан эса унинг сўнгги маъгулот ҳақида маҳалла комитети, уй бошқармаси ёки халқ депутатлари посёлка ёки кишлоқ Совети яқини кўмитети справкани, СССР Қўролли Кучлари сафидан озод бўлганлардан ҳарбий билетини кўрсатишнинг талаб қилини лозим.

Қонунга мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларнинг (врачлар, шифокорлар ва бошқалар) бажаришига йўл қўйиладиган ишларга қираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганини тўғрисидаги дипломини ёхуд маъзури иш бажариш ҳуқуқини бериладиган гувоҳномаини ёки бошқа тегишли ҳужжатини кўрсатиш шарт.

Авал ишлаган жойидан олий маоши ҳақида, оилавий ҳолати, турар жойининг ҳажми, прописка ҳамда ёзма характеристика каби справклар талаб қилинишини қонун таъкидлайди. Ёзма характеристиканинг кўрсатилиши қонунда кўрсатилган айрим ҳоллардагина амалга оширилади. Масалан, давлат савдо системасига мансубдор лавозимга тайинланаётганда, шунингдек, моддий жавабгарлик вазифасига (сотувчилардан ташқари) қабул қилинаётганда хизмат характеристикаси кўрсатилиши керак.

А. ҲАСАНОВ,
юрис.

Жонажон Ватан бўйлаб

РИГА. «Ригас текстиль» бирлашмасининг марказий пардозлаш фабрикаси дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқара бошлади. Юксак даражада автоматлаштирилган замонавий ускуналар газлашларини ранг-баранг усулда сифатли тайёрлаш имконини бермоқда, истеъмолчиларнинг талабини инобатга олиб маҳсулот хиллари тезда ўзгаририлмоқда.

Суратда: бош технолог С. Оболович ва катта мастер Э. Синицис (чапда) янги пардозлаш фабрикасининг дастлабки маҳсулотини сифатдан таъмин. Бу газлаш кам гижимланган, буюмларга кўри бахш этади.

В. Семёнов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ЛЕНИНГРАД. «Светлана» бирлашмаси коллектив планга қўшимча 600 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олган.

Коллектив ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилидаёқ 40 типда янги техниканинг тажриба намунасини яратиши ва тайёрлаши, шунингдек, камда 24 типда электрон асбоблар ва бошқа буюмларни олмавий ишлаб чиқаришни ўзлаштириш керак.

Суратда: янги такомиллашган система ишламоқда.

М. Блохин фотоси, ТАСС фотохроникаси.



